



Ислом Нури

Иккинчи рукн: Фаришталарга иймон келтириш

Фаришталарга иймон келтириш — уларнинг борлигига ҳеч шак ва шубҳаси бўлмаган катъий эътиқод қилишдир. Аллоҳ таоло деди: **“Пайгамбар ўзига Парвардигоридан нозил қилинган нарсага иймон келтирди ва мўъминлар (ҳам иймон келтирдилар). Аллоҳга, унинг фаришталарига, китобларига ва пайгамбарларига иймон келтирган ҳар бир киши (айтди)....”** (Бақара: 285).

Фаришталарнинг борлигини инкор этган одам, Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларига биноан кофир бўлади: **“Қимқи Аллоҳга, унинг фаришталарига, китобларига, пайгамбарларига ва охираат қунига кофир бўлса, демак, у жуда каттик адашибди”** (Нисо: 136).

“Аҳлуссунна вал-жамоа” фаришталарга умумий суратда иймон келтирадилар, аммо муфассал суратда фақат далиллари ишончли бўлган, Аллоҳ таоло ва расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам баён қилганларига иймон келтирадилар: Улар ваҳийга вакил қилинган Жаброил, ёмгирга вакил қилинган Мийқоил, Сурга вакил қилинган Исрофил, жонларни олишга вакил қилинган Малакул-мавт, жаҳаннам посбони Молик, жаннат посбони Ризвон ва қабр фаришталари Мунқар ва Нақирлардир.

“Аҳлуссунна вал-жамоа” фаришталарнинг бор эканлигига, уларнинг шахслар эканлиги, маънавий нарсалар эмас ҳис қилинадиган нарсалар эканига, улар Аллоҳ таолонинг нурдан яратган махлуқлари ва Осмонда яшашларига иймон келтирадилар.



Ислом Нури

Фаришталар — улкан махлуклардир. Уларнинг канотлари бор. Баъзиларининг каноти иккита, баъзилариники учта, баъзилариники тўртта, баъзилариники эса ундан кўпдир.

Фаришталар Аллох таолонинг кўшинларидан биридир. Улар, Аллох таолонинг изни ила, вазиятларга караб турли махлуклар шаклига кира оладилар.

Улар Аллох таолога якин ва мухтарам бўлиб, эркаклик ва аёллик сифатлари билан сифатланмайдилар, уйланмайдилар ва болалаб кўпаймайдилар.

Фаришталар емайдилар ва ичмайдилар. Уларнинг таоми тасбих ва тахлил бўлиб, уни айтишдан ҳеч ҳам зерикмайдилар ва чарчамайдилар. Уларнинг сифатлари яхшилик, гўзаллик, ҳаё ва интизомлиликдир.

Фаришталарнинг одамлардан фарқи, улар ибодат қилиш ва гуноҳ ишларни қилмасликка табиатлантириб яратилганлар. Аллох таоло уларни ўзига ибодат қилишлари ва буйруқларини ижро этишлари учун яратган. Аллох таоло деди: **“У (мушрик)лар: “Аллохнинг (фаришталардан) боласи бор” — дедилар. У зот (мушрикларнинг бадгумонларидан) мутлақо покдир. Йўқ, (фаришталар асло Аллохнинг болалари эмас, балки) улуг бандалардир. (Фаришталар) У Зотдан илгари бирон сўз айтмайдилар. Улар (Аллохнинг) амру фармони билангина амал қиладилар. У Зот уларнинг олдиларидаги (қиладиган) ва орқаларидаги (қилиб ўтган) барча иш-амалларни билур. Улар (Қиёмат қоим бўлган кунда) фақат (Аллох) рози бўлган кишиларнигина шафоат қилурлар. Уларнинг ўзлари (Аллохдан) кўркиб хавфу хатарда**



Ислом Нури

турурлар” (Анбиё: 26-28).

Фаришталар кеча ва кундуз Аллох таолога тасбих айтадилар ва осмондаги “Байтул-Маъмур” ни тавоф киладилар. Улар Аллох таолодан жуда хам кўркадилар.

Фаришталарнинг турлари

Фаришталарнинг баъзилари вахийга, баъзилари Аршни кўтаришга, баъзилари тоғларга, баъзилари жаннат, баъзилари эса жаханнамга вакил килинган.

Баъзи фаришталар бандаларнинг килган амалларини ёдлаш, баъзилари мўъминларнинг жонларини, баъзилари кофирларнинг жонларини олиш, баъзилари эса кабрда бандаларни сўрок килишга вакил килинган.

Баъзи фаришталар мўъминлар учун истиғфор ва салавот айтадилар ва уларни севадилар. Баъзи фаришталар илм мажлислари ва Аллохнинг зикри бўлаётган халкаларда хозир бўладилар ва у ерда ўтирган кишиларни ўз канотлари билан ўраб оладилар. Уларнинг баъзилари инсонга боғланган бўлади, ундан хеч хам ажралмайди. Баъзи фаришталар бандаларни яхши ишларни килишга даъват этадилар. Баъзи фаришталар яхши кишиларнинг жанозаларида хозир бўладилар. Баъзи фаришталар жиходларда мўъминлар билан бирга кофирларга қарши жанг килиб, уларга ёрдамчи бўладилар.

Баъзи фаришталар яхши кишиларни химоя килиб, уларнинг мусибатларини кўтаришга, баъзи фаришталар эса кофирларни лаънат килиб, уларга балоларни келтиришга вакил килинган.



Ислом Нури

Фаришталар хайкал, сурат, ит ёки кўнгирок бўлган уйларга кирмайдилар ва одамзот озорланадиган нарсалардан озорланадилар.

Фаришталарнинг сони кўп бўлиб, уларнинг сонини Аллох таолонинг ўзигина билади. Аллох таоло деди: **“Роббингизнинг кўшинларини Ёлгиз унинг Ўзигина билур. Бу инсонлар учун эслатма, холос”** (Муддассир: 31).

Аллох таоло фаришталарни биздан пардалади. Биз уларни асл яратилган шаклларида кўра олмаймиз. Лекин Аллох таоло баъзи бандаларига уларни асл суратларида кўрсатди. Чунончи, расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам Жаброил алайхиссолату вассаломни Аллох яратган асл суратида икки марта кўрдилар. Аллох таоло деди: **“Сизларнинг сохибингиз (Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам) мажнун эмасдир. Дархакикат, у (Жаброилни) очик уфкда кўрди.”** (Таквир: 22, 23).

Учинчи рукн: Илохий китобларга иймон келтириш

“Аҳлуссунна вал-жамоа” — Аллох таоло пайгамбарларига уларда буйруклари, кайтариклари, ваъдалари, таҳдидлари, бандаларидан хохлаган нарсалари, хидоят ва нур бўлган китобларни нозил қилган, деб эътикод қиладилар. Аллох таоло деди: **“Пайгамбар ўзига Парвардигоридан нозил қилинган нарсага иймон келтирди ва мўъминлар (хам иймон келтирдилар). Аллохга, унинг фаришталарига, китобларига ва пайгамбарларига иймон келтирган хар бир киши (айтди)....”** (Бакара: 285).

Аллох таоло ўз пайгамбарларига башариятни хидоят қилишлари учун китобларни нозил қилди. Аллох таоло деди: **“Алиф, Лом, Ро. (Эй**



Ислом Нури

Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам бу Куръон) сиз одамларни Парвардигорларининг изни-иродаси билан зулматлардан нурга — Азиз-Кудрат, Хамид-хамду сано Эгаси бўлган Зотнинг йўлига — олиб чиқишингиз учун Биз сизга нозил қилган Китобдир” (Иброхим: 1).

Илохий китоблар: Куръон, Таврот, Инжил, Забур ва Иброхим ва Мусо алайхимуссолату вассаломларга юборилган саҳифалардир. Бу китобларнинг энг буюклари: Таврот, Инжил ва Куръондир. Бу уч китобнинг энг буюги, энг афзали ва уларни бекор қилувчиси — Куръон Каримдир.

Аллох таоло Куръон Каримдан бошқа барча китобларни нозил қилган пайтда уларни химоя қилишни ўз зиммасига олмади. Балки, уларнинг химоясини одамларга топширди. Бирок, улар китобларни муҳофаза қила олмадилар. Натижада, у китобларга ўзгариш ва қўшимчалар кириб кетди.

Куръон Карим — Оламлар Парвардигорининг каломи, очик китоби ва мустаҳкам арконидир. Аллох таоло Куръон Каримни пайгамбари Мухаммад соллаллоху алайхи ва салламга уммати учун дастур бўлиши, одамларни зулматлардан нурга чиқариши, тўғрилиқ ва тўғри йўлга хидоят қилиши учун нозил қилди.

Аллох таоло Куръон Каримда аввал ўтган ва кейин келадиган халкларнинг хабарлари, Осмонлар ва уларнинг яралишини баён қилиб, ҳалол ва ҳаром нарсалар, одоб ва ахлоқ асослари, ибодат ва муомала ҳукмлари, пайгамбарлар ва солиҳ кишиларнинг ҳаётлари, мўъмин ва кофирларнинг муқофот ва жазолари, мўъминларнинг диёри бўлмиш жаннат ва кофирларнинг диёри бўлмиш жаҳаннамнинг



Ислом Нури

тафсилотларини баён килди. Аллох таоло Куръон Каримни калб касалликларига шифо, барча нарсанинг баёни ва мўъминлар учун хидоят ва нур килиб кўйди. Аллох таоло деди: **“Биз сизга — ҳамма нарсани баён килиб берувчи, хидоят, раҳмат ва мусулмонлар учун хушхабар бўлган Китоб - Куръонни нозил килдик”** (Нахл: 89).

Барча одамлар Куръон Карим таълимотларига, расулуллох соллаллоху алайхи ва салламдан ривоят килинган сахих (ишончли) хабарларга эргашишлари ва у иккисини ўз хаётларига татбиқ қилишлари зарурдир. Чунки, Аллох таоло расулуллох соллаллоху алайхи ва салламни Ўзи нозил қилган Китобни баён қилиб беришлари учун одамлар ва жинларга элчи қилиб юборди. Аллох таоло деди: **“Сизга эса одамларга нозил қилинган нарсаларни баён қилиб беришингиз учун ва шояд тафаккур қилсалар, деб бу Эслатма — Куръонни нозил қилдик.”** (Нахл: 44).

“Аҳлуссунна вал-жамоа” Куръон — харфлари ва маънолари — Аллох таолонинг каломи эканига, унинг Аллох таолодан бошланиб, Аллох таолога қайтишига, туширилган, бироқ махлук эмаслигига, Аллох таоло Куръонни ўзи сўзлагани ва Жаброил алайхиссолату вассаломга ўқиб бергани ва Жаброил алайхиссолату вассалом Мухаммад соллаллоху алайхи ва салламга олиб тушганига катъий иймон келтирадилар.

Ҳаким ва Хабардор бўлган Зот Куръон Каримни очик араб тилида нозил қилди ва у бизларга мутавотир (кўп) йўллар билан шубҳага ўрин қолмайдиган (сахих ривоятларда) етиб келди. Аллох таоло деди: **“Албатта (бу Куръон) барча оламлар Парвардигори томонидан нозил қилингандир. (Эй Мухаммад соллаллоху алайхи ва**



Ислом Нури

саллам) Сиз (охират азобидан) огохлантирувчилардан бўлишингиз учун калбингизга уни Рухул-Амийн — Жаброил очик-равшан арабий тил билан нозил килди. ” (Шуаро: 192 - 195).

Куръон Каримни калблар ёд олади, тиллар тиловат килади ва саҳифаларга ёзилади. Аллох таоло деди: **“Йўк, у (яъни куръон) илм ато этилганларнинг калбларида (ёд бўлгувчи) аник оятлардир”** (Анкабут: 49).

“Албатта У (Куръон сеҳр ёки уйдирма эмас, балки) асралган Китоб (Лавхул-Махфуз) даги — Куръон Каримдир. Уни фақат пок кишиларгина ушларлар. (У) барча оламлар Парвардигори томонидан нозил килингандир”. (Воқеа: 77-80).

Куръон Карим — пайгамбаримиз Мухаммад ибн Абдуллох соллаллоху алайхи ва салламга берилган буюк ва мангу мўъжизадир. У самовий китобларнинг энг сўнггисидир, у бекор килинмайди ва алиштирилмайди. Аллох таоло уни киёматдан аввал ўзига кўтарадиган кунигача барча ўзгартиш, кўшиш ва камайтиришлардан ўз хифзу химоясида саклашни қафолатини олди. Аллох таоло деди: **“Албатта бу эслатмани (яъни, Куръонни) Биз Ўзимиз нозил килдик ва ўзимиз уни саклагувчимиз”** (Хижр: 9).

“Ахлуссунна вал-жамоа” Куръоннинг бирон харфини инкор этган ёки унга кўшимча кўшган, ёки ундан биронта харфни камайтирган кишини кофир деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун биз ҳам, Куръон оятларининг хар бири Аллох таоло ҳузуридан нозил бўлган ва бизга мутавотир (энг ишончли) йўллар билан етиб келган эканига катъий иймон келтирамиз.



Ислом Нури

Куръон Карим расулуллох соллаллоху алайхи ва салламга тўплам холатида — бир дафъада нозил бўлмаган. Балки, воқеаларга муносиб тарзда ёки берилган саволларга жавоб ўларок, ёки вазиятларга қараб йигирма уч йил давомида тарқок нозил бўлган.

Куръон Карим Маккада нозил бўлган саксон олти (86) ва Мадинада нозил бўлган йигирма саккиз (28), жами бир юз ўн тўрт (114) сурани ўз ичига олади. Маккада нозил бўлган суралар “Маккий”, Мадинада нозил бўлган сураларни “Маданий” суралар деб аталади. Куръон Карим сураларининг йигирма тўққизтаси (29) узук-ёлғиз харфлар билан бошланган.

Куръон Карим расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг даврларида ёзилган. Саҳобаларнинг энг яхшиларидан розияллоху анхум котиблар бўлган, улар куръондан нозил бўлганини расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг амри билан ёзиб боришар эди. Абу Бакр розияллоху анхунинг халифалик даврида Куръоннинг ёзилган парчалари жамланди. Усмон розияллоху анху халифалик даврларида умматни бир кироатга жамлади. Аллох таоло уларнинг барчасидан рози бўлсин!

“Аҳлуссунна вал-жамоа” Куръон Каримни таълим бериш, ёд олиш, тиловат қилиш, тафсир қилиш ва унга амал қилишга каттик эътибор берадилар. Аллох таоло деди: **“(Эй Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам ушбу куръон барча одамлар), оятларини тафаккур қилишлари ва ақл эгалари эслатма-ибрат олишлари учун биз сизга нозил қилган Китобдир”** (Сод: 29).

Улар Куръон тиловати билан Аллох таолога ибодат қиладилар. Чунки ундан ҳар бир харфни ўқишга бир ҳасана бор. Расулуллох соллаллоху



Ислом Нури

алайхи ва саллам дедилар: “Кимки Аллохнинг Китобидан бир харф ўқиса, у учун бир хасана-яхшилик бордир. Хасана-яхшилик эса ўн баробари билан биргадир. Мен: “Алиф, Лом, Мим” бир харф” — деб айтмайман. Балки, “Алиф” бир харф, “Лом” бир харф, “Мим” бир харфдир” (Имом Термизий ривояти).

“Ахлуссунна вал-жамоа” Куръон оятларини курук раъй-фикр билан тафсир қилишга ижозат бермайдилар. Чунки, бу Аллох таоло ҳаққига илмсиз сўз айтиш, демакдир. Балки, улар Куръон оятларини Куръоннинг бошқа оятлари ва ҳадислар билан, кейин эса саҳобаларнинг сўзлари ва улардан кейин яшаб, бугунги кунимизга қадар уларга яхшилик билан эргашган кишиларнинг сўзлари билан шаръий қоидалар доирасидан чиқмасдан тафсир қиладилар. Зеро, Аллох таоло ўз ҳаққига билимсиз сўз айтишни ҳаром қилди: **“У (Шайтон) сизларни фақат ёмолик ва бузукликка ва Аллох шаънида билмаган нарсаларингизни гапиришга буюради”** (Бақара: 169).